



2020 у.г. «14» Апрел. № 234-Қ

Жомбой т., – г. Джамбай

Вилоят ҳокимининг 2020 йил 14 апрелдаги “Вилоятда 2020 йил ҳосили учун бошоқли дон майдонларида агротехник тадбирларни ташкил этиш ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 47-Қ-сонли қарорининг ижроси ҳақида

“Коронавирус пандемияси” оқибатида иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида юзага келаётган йўқотишлар ўрнини 2020 йилда бошоқли дон ишлаб чиқариш ҳажмини 20 центнерга ошириш орқали тўлдириш, ички имкониятлар ҳисобидан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йилнинг 10 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 апрелдаги (03/1-669-сон) топшириги ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 14 апрелдаги 47-Қ-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 14 апрелдаги “Вилоятда 2020 йил ҳосили учун бошоқли дон майдонларида агротехник тадбирларни ташкил этиш ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 47-Қ-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг мазкур қарори билан;

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Нурқулов), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (З.Эргашев), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари

кенгаши (А.Норқузиёв), ғаллачилик кластерлари ҳамда фермер хўжаликларининг 2020 йилда бошоқли дон ишлаб чиқариш ҳажмини 20 центнерга ошириш бўйича таклифлари маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туманда 2020 йил ҳосилидан бошоқли дон етиштириш ва дон сотиш ҳажмлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари в.в.б (А.Тураев), туман Қишлоқ хўжалиги бўлими, туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши (Б.Тураев), дон корхонаси билан биргаликда фермер хўжаликлари билан дон маҳсулотлари корхоналари ўртасида 2020 йил ҳосилидан бошоқли дон етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва агроонлайн дастурига киритиш ишларини 3 кун муддатда якунлаш чораларини кўрсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари в.в.б (А.Тураев), туман Қишлоқ хўжалиги бўлими, туман Ирригация бўлими (А.Ризаев), туман “Агросервис МТП” МЧЖ (Б.Назаров), туман “Агрокимёхимоя” ХАЖ (И.Очилов), туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши (Б.Тураев), туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими (Б.Уралов), дон корхонаси ва ғаллачилик кластерларига:

бошоқли дон майдонларида минерал ўғитлар билан озиқлантириш тадбирларини қисқа муддатларда якунлашни;

мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланилган ҳолда, бошоқли дон экинларини суғориш ишларини тизимли равишда ташкил этишни;

бошоқли дон экинлари зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши кимёвий ва биологик ишловларни сифатли ташкил этиш ҳамда унинг самарадорлигини;

бошоқли дон майдонларига маҳаллий ўғит чиқариш ишларини ташкил этилишини таъминласин.

6. Туман Агроинспекция бўлими (В.Мўминов) 2020 йилда қўшимча бошоқли дон етиштиришда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилиши, талаб этиладиган миқдорда минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий-техник ресурсларнинг фермер хўжаликларига белгиланган тартибда етказиб берилиши юзасидан назорат ўрнатсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Ҳ.Туйчиев